

## Ҳаж мавзусига доир қирқ ҳадис



09:00 / 20.06.2022 6451

### БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

نَمَّ " : مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ لَيْلِ صِلَ لَلْأَلْأَلِ لُؤْسَرَلْأَقْ لَاقُ هُنَّ عَ لَلْأَيَضْرَرَاءُ دَرْدَلِ أَيْ بَأَنْ عَ مَّوِيَّ هَلْ تُنْكَو ، أَيْ قَفُ هَلْ لَلْأَلْأَلِ شَعَبَ أَوْ نِي دَرْمَ أَمْ نَمَّ أَثِي دَحَ نِي غَبْرَأَ أَيْ تَمُّ أَيْ لَعْلَعِ طَفَحَ "أَيْ هَشَّ وَأَعْفَ أَشَّ مَ أَيْ قَوْلِ

*Абу дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Кимки умматимнинг диний ишларига тегишли қирқта ҳадисни ёд олса, (ва уни уларга етказса) Аллоҳ уни фақиҳ ҳолида тирилтиради ва қиёмат куни мен унга шафоатчи ва унинг фойдасига гувоҳлик бергувчи бўламан” дедилар”.**

Биз ҳам ушбу ҳадисдаги башоратдан умидвор бўлиб, ҳаж борасида қирқта ҳадисни келтириб ўтишни лозим топдик.

### ҲАЖ МАВЗУСИГА ДОИР ҚИРҚ ҲАДИС

بُتَّوْ اَنْكِسَانَمْ اَنْرَاوْ كَلَّ ةَمْلِسُمْ ةَمُّ اَنْتَيَّزْدَنْ مَوْ كَلَّ نَيْمَلِسُمْ اَنْلَعَجَاوْ اَنْبَرْ  
وَلْتَيَّ مُمْ هَنْمَ اَلْاُسَرْ مَهِيْفْ شَعْبَاوْ اَنْبَرْ (128) مُمِيْحِرْلَا بُاَوْتَلَا تَنْ اَكَّنْ اَنْيَلَع  
(129) مُمِيْحِرْلَا زِيَزَعْلَا تَنْ اَكَّنْ اَمْهِيْ كَزِيْ وَ ةَمْلِكْ اَلْاَوْبَاتْ اَلْمُهْمَلْعَيَّ وَ كَتَايَا مَهِيْلَع

**“Роббимиз, икковимизни Ўзингга мусулмон бўлганлардан қил ва зурриётимиздан ҳам Ўзингга мусулмон уммат қил, бизга ибодатларимизни кўрсат, тавбамизни қабул эт. Албатта, Сенинг Ўзинг тавбаларни кўплаб қабул этувчи, раҳмли зотсан. Роббимиз, ўзларининг ичидан уларга оятларингни тиловат қилиб берадиган, китобни ва ҳикматни ўргатадиган, уларни поклайдиган Пайғамбар юбор. Албатта, Сенинг Ўзинг азиз ва ҳикматли зотсан”** (Бақара 128-129 оятлар).

Ҳаж ва умра бандани Аллоҳ таолога боғлайдиган, ошиқона бир ибодат бўлиб, унга доир қирқта ҳадис қуйида таржимаси билан келтирилади. Ҳар бир ҳадисда ҳаж ёки умранинг қайсидир амаллари ёки фазилатлари баён қилинганлиги учун уларнинг ҳар бирини алоҳида сарлавҳа остида зикр қилинди. Аллоҳ таолога мухлис ва мақбул бандалар ушбу ҳадислардан фойда олсалар деган умиддамиз.

## **1. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ ҚАНДАЙ ТАЛБИЯ АЙТАР ЭДИЛАР?**

هَلَلَا عَيْلَع هَلَلَا عَيْلَع هَلَلَا لُوسَرْ ةَيْبَلْتَنْ اَمْهَنْع هَلَلَا يَضَرْ رَمْعَنْب هَلَلَا دَبَعَنْ  
كَلَّ ةَمْعَنْ لْاَوْدَمْحَلَا نْ اَكَّنْ يَبَلْ كَلَّ كَيْرَشْ اَلْاَكَّنْ يَبَلْ كَلَّ كَيْبَلْ مَهَلَلَا كَيْبَلْ "مَلَسَوْ  
اَلْاَكَّنْ كَيْرَشْ اَلْاَكَّنْ لَمْاَوْ"

*Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг талбиялари “Лаббайкаллоҳумма лаббайк. Лаббайка ла шарийка лака лаббайк. Иннал ҳамда, ваннеъмата лака вал мулк. Ла шарийка лак!” эди”** (Термизий, Бухорий, Насоий ривояти).

Маъноси: “Аллоҳим! Ҳузурингда ҳозирман, Аллоҳим! Ҳузурингда ҳозирман! Аллоҳим! Ҳузурингда ҳозирман! Сенинг шеригинг йўқдир! Аллоҳим! Ҳузурингда ҳозирман! Албатта, ҳамд, неъмат ва мулк барчаси Сеникидир! Сенинг шеригинг йўқ зотсан!”.

هَلَلِ عَلَى لَلِ لُصَّ هَلَلِ لُؤَسَّرَ يَنْفَدَرَأُ: "لَأَقُ هُنَّ ع هَلَلِ لَإِي ضَرَّ سَابَعِ نَبِ لُضَفَلِ لَ ع  
"عَزَمَ جَلَّ مَرَّتِي حَيَّ بَلِّي لَزِي مَلَفَ ، نَمَّ نَ لُؤُغَمَجُّ نَمَّ مَلَسُو."

*Фазл ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Жамъдан Миногача мени уловларига мингаштириб келдилар ва жамраи ақабага тош отгунларича талбия айтишда давом этдилар”** (Термизий ривояти).

## **2. ҲАЖ ҚИЛИШНИ ОРТГА СУРГАН ВА УНГА БЕПАРВО БЎЛГАН КИШИГА АЗОБНИНГ ВАЪДАСИ**

كَلَّمٌ نَمَّ "مَلَسُو هَلَلِ عَلَى لَلِ لُصَّ هَلَلِ لُؤَسَّرَ لَأَقُ: لَأَقُ هُنَّ ع هَلَلِ لَإِي ضَرَّ يَلَعُ نَع  
وَأُ ، أَي دُوَّةَ يَتَوَّمِي نَأَهِيَ لَعَالَفَ ، حَحِّي مَلَو ، هَلَلِ لَإِي بِي لَإِي هُوَ لَبْتُ لَحَارُو ، أَدَار  
نَمَّ تَيَّبَلَّ حَسَانُ لَإِي لَعَهَلَو " : وَبَاتَكَ يَفُ لُؤُقَي هَلَلِ نَأَكُلَدَو ، أَي نَارُصَن  
الِ يَبَسَّ هَلَلِ لَإِي عَاطَسَا .

*Али розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:**

**“Кимки уни Байтуллоҳгача етказадиган зоди роҳилага эга бўла туриб, ҳаж қилмаса, яҳудий ёки насроний ҳолида вафот этишининг фарқи йўқдир. Бу Аллоҳнинг Ўз китобида “Одамлардан йўлига қодир бўлганларига Аллоҳ учун байтни ҳаж қилмоқ фарздир” дегани учундир”, дедилар”** (Термизий ривояти).

## **3. ҚАЙСИ ҲАЖ ЭНГ АФЗАЛ ҲАЖДИР**

يَأَلُّؤُسُّ مَلَسُو هَلَلِ عَلَى لَلِ لُصَّ يَبَّنَلَّ نَأَهِيَ نَع هَلَلِ لَإِي ضَرَّ قِيَّصَلَّ إِرْكَبُ يَبَأُ ع  
"جَّ ثَلَّ أَوْ جَّ لَأَلَّ : لَأَقُ ؟ لَضَفَ جَّ حَلَّ"

*Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

**“Набий соллаллоху алайҳи васалламдан қайси ҳаж афзалдир?”** деб сўралди. У зот:

**“Баланд овозда талбия айтилгани ва қон оқизилгани”, дедилар”** (Термизий ривояти).

**Фойда:** Қирон ва таматтуъ ҳажида қурбонлик мавжуддир. Ифрод эса, қурбонлик вожиб эмас. Шунинг учун ифрод ҳажга нисбатан қирон ва таматтуъ афзал ва зиёда савоблидир.

#### **4. ҲАЖ ВА УМРА ИБОДАТИ БИЛАН ИНСОН ГУНОҲЛАРДАН ПОК БЎЛАДИ**

نَبِيَّ بَاوُعَبَاتٍ : لَأَقْمَلِسُو هَلِلَ اِلَصَّرِيَّ بِنَلَانَعُو عَهَلَلَايَضَرَ هَلَلَا دَبَعُو عَدِي دَحَلَا شَبَخُرِي كَلَلَايَفِنَي اَمَكَبُونُ ذَلَاوَرَقَفَلَا نَايَفِنَي اَمُهِنَا فَرَمُعَلَاوَجَحَلَا يئِئاسِنَلَا هَاوَر . هَجَلَا اِلَا بَاوُثَ رُوْرُبَمَلَا هَجَلَلَا سَيَلَوَ هَضَفَلَاوَبَهَذَلَاوَي ذِمْرَتَلَاو

*Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Кетма-кет ҳаж ва умра қилинглар. Чунки, у иккиси темирчининг босқони темир, олтин ва кумушнинг кирини кетказганидек (ҳаж ва умра қилгувчидан) фақирлик ҳамда гуноҳларни кетказди. Ҳажжи мабрурнинг савоби жаннатдан ўзга бўлмас”, дедилар”** *(Насий ва Термизий ривояти)..*

#### **5. ЭНГ АФЗАЛ АМАЛ ҚАБУЛ БЎЛГАН ҲАЖДИР**

يَا لَيْئِس مَلِسُو هَلِلَ اِلَصَّرِيَّ لَلُوْسَرَّ نَاُوْعَهَلَلَايَضَرَ هَلَلَايَضَرَ هَلَلَا دَبَعُو عَدِي دَحَلَا شَبَخُرِي كَلَلَايَفِنَي اَمَكَبُونُ ذَلَاوَرَقَفَلَا نَايَفِنَي اَمُهِنَا فَرَمُعَلَاوَجَحَلَا يئِئاسِنَلَا هَاوَر . رُوْرُبَمَلَا هَجَلَلَا سَيَلَوَ هَضَفَلَاوَبَهَذَلَاوَي ذِمْرَتَلَاو

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан:**

**“Қайси амал афзал?”** деб сўралди.

**“Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтириш”,** дедилар.

**“Кейин нима?”** дейилди.

**“Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилиш”,** дедилар.

**“Ундан кейин нима?”** дейилди.

“Мабрур ҳаж”, дедилар” (Бухорий ривояти).

## 6. АЁЛЛАР УЧУН ЭНГ АФЗАЛ АМАЛ МАҚБУЛ ҲАЖДИР

الْفَأْ لِمَعْلَالِضْفَأْ دَاوَجْ لَإِي رَن هَلْ لَإِي لُوسَر أَي: "أَهْ نَعُ هَلْ لَإِي ضَرَّ شَيْءٌ تَلَأَقُو  
رُؤْبَمَّ حَجِّ دَاوَجْ لَإِي ضْفَأْ نَكَلْ أَل": لَأَقُ دِهْ أَجْن

*Оиша розияллоҳу анҳо:*

**“Эй Аллоҳнинг Расули! Жиҳодни энг афзал амал деб биламиз. Жиҳод қилайликми?” деди.**

**“Йўқ. Аммо жиҳоднинг афзали ҳажжи мабрурдир”, дедилар”**  
(Бухорий ривояти).

## 7. ГУНОҲЛАРДАН ПОКЛАНИШГА САБАБ БЎЛГУВЧИ ҲАЖ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ

هَلْ لَإِي حَجِّ نَم": لَأَقُ مَلَسُو هَلْ لَإِي لَصَّيْبِن لَأِي نَعْ نَعُ هَلْ لَإِي ضَرَّ رَهْ بَأْ نَع  
هْمُ أَهْ تَدَلَّو مَوِيكَ عَجَّ رُقُ سَفَي مَلَّو تَفَرِي مَلَّ

*Абу ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Ким Аллоҳ учун ҳаж қилиб, фаҳш сўз айтмаса ва фисқу фасод қилмаса, худди онасидан янги туғилгандек бўлиб қайтади”, дедилар”** (Бухорий ривояти).

## 8. ҲАЖ ВА УМРА ҚИЛГУВЧИНИНГ ДУОСИ МАҚБУЛДИР

جَاحُ لَأ": لَأَقُ مَلَسُو هَلْ لَإِي لَصَّيْبِن لَأِي نَعْ نَعُ هَلْ لَإِي ضَرَّ رَهْ بَأْ نَع  
هْمُ هَلْ رَفَعُ هُوْرَفَعَتْ سَلْ نَأُو مَهْ بَأْ أَوْ وَغَدُ نَلْ لَأُ دَفَّو رَأْمُ غَلْ أُو

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Ҳожи ва умра қилгувчи Аллоҳнинг меҳмонидир. Агар Аллоҳга дуо қилсалар дуоларини ижобат қилади ва агар Ундан мағфират сўрасалар уларни мағфират қилади” дедилар”** (Ибн Можа ривояти).

## **9. ҲАЖ ВА УМРА ҚИЛГУВЧИЛАРДАН ДУО СЎРАШ СУННАТДИР**

مَلَسُوهُ لَعَلَّ يَلَسَ لَوْلَا لَوْلَا وَسَّرَّ لِقَاقَ لِقَاقَ عَنَّهُ لَوْلَا لَوْلَا يَضَرَّ رَمْعَ نَبِّ لَوْلَا دَبَّ عَنَّا  
تَوَيْبًا لِحُدَيْ نَأْلِبَقَ كَلَّ رَفَعَتْ سَيِّئَاتُ رَمَوْهُ حَفَاصًا وَهَيْلَ مَسَّ فَجَاحِلَاتٍ قَلَّ إِذِ  
هَلَّ رُفِعَ مَهْنُ إِفَّ

*Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Ҳожи билан учрашсанг унга салом бергин ҳамда у билан қўл бериб кўришгин ва уйига киришидан илгари сен учун истиғфор айтишини сўрагин. Чунки, у (ҳожи) гуноҳлари кечирилиган кишидир” дедилар”** (Имом Аҳмад ривояти).

## **10. АЛЛОҲНИНГ РАСУЛИ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ ҲАМ ЎЗЛАРИНИНГ ҲАҚЛАРИГА ҲОЖИДАН ДУО СЎРАГАНЛАР**

فَلَسُوهُ لَعَلَّ يَلَسَ لَوْلَا لَوْلَا نَدَاتُ سَا رَمْعَ نَأْلِبَقَ لِقَاقَ لِقَاقَ عَنَّهُ لَوْلَا لَوْلَا يَضَرَّ رَمْعَ نَبِّ لَوْلَا دَبَّ عَنَّا  
أَنَسْنَ تَالَوَ كَأَنَّ أَعْدَادَ لَأَصَافَ أَنْ كَرَّشَأْ، يَحْ أَيْ "لِقَاقَ لِقَاقَ عَنَّهُ لَوْلَا لَوْلَا يَضَرَّ رَمْعَ نَبِّ لَوْلَا دَبَّ عَنَّا

*Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Умар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан умра қилишга изн сўрадилар. Унга изн бериб:**

**“Эй, биродарим! Ўзингни хос дуоингда бизни ҳам шерик қилгин ва бизни унутиб қўймагин” дедилар”** (Ибн Можа ривояти).

## **11. ҲАРОМДАН ОРТТИРИЛГАН БОЙЛИК БИЛАН ҲАЖ ВА УМРА ҚИЛИШНИНГ ОҚИБАТИ**

جَرَّحَ إِذِمَّ لَسَّ وَهَيْلَ لَعَلَّ يَلَسَ لَوْلَا لَوْلَا وَسَّرَّ لِقَاقَ لِقَاقَ عَنَّهُ لَوْلَا لَوْلَا يَضَرَّ رَمْعَ نَبِّ لَوْلَا دَبَّ عَنَّا  
هُادَانَ كَيْبَلٌ مُمَّهَلَّ كَيْبَلٌ يَدَانَ فَرَزَّ لَأَيْ فُهُلَّ جَرَّ عَصَوَّ وَهَيْلَ طِبَّ قَفَّ نَبِّ جَاحِلَ جَرَّ لَأ

رُؤُومُ رِيغُ رُورَبَمُ كُجَحَّوُ لَالِحَ كُتَلِحَارُوُ لَالِحَ كُذَارَ كَيَدَعَسَوُ كَيَّبَلِءَامَسَلَانِمِ دَانُمِ  
دَانُمِ هَادَانِ كَيَّبَلِ دَانِفِ زَرَعَالِ يِفُ هَلْجَرَعَضَوَفِ ةَثِيْبَخَالِ ةَقَفْنَلِبِ جَرَحِ اِدَاوُ  
رُورَبَمُ رِيغُ كُجَحَّوُ مَارِحَ كُتَقَفَنَوُ مَارِحَ كُذَارَ كَيَدَعَسِ الْوُكَيَّبَلِءَامَسَلَانِمِ

*Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:**

**“Киши ҳалол мол билан ҳаж сафарига чиқса ва оёғини (уловининг) узангисига қўйиб:**

**“Лаббайкаллоҳумма лаббайк” деб талбия айтиб нидо қилса, осмондан бир нидо қилувчи нидо қилиб:**

**“Лаббайка ва саъдайка. Сенинг луқманг ҳалол, сенинг уловинг ҳалол ва гуноҳу маъсиятдан ҳоли бўлган ҳажинг мабрурдир. Агар ҳаром мол билан ҳаж сафарига чиқса ва оёғини (уловининг) узангисига қўйиб:**

**“Лаббайка” деб талбия айтиб нидо қилса, осмондан бир нидо қилувчи нидо қилиб:**

**“Сенга на лаббайка ва на саъдайка бор. Сенинг луқманг ҳаром, сенинг нафақанг ҳаром ва қилган ҳажинг мақбул эмас” дейди” дедилар” (Муъжами авсат).**

## **12. ҲАЖ САФАРИДА САРФ-ХАРАЖАТ ҚИЛИШНИНГ ФАЗИЛАТИ**

لُؤُسَرَّ لَاقَ لَاقَ ةَنَعُ هَلَلَايَ ضَرَّ يَمَلَسَ أَلَا ةَدَيَّرُبَ هَيَبَ أَعِ ةَدَيَّرُبَ نَبِ لَلَا دَبَعُ نَعِ  
زَعُ هَلَلَا لَيَبَسِ يِفِ ةَقَفْنَلِكُجَحَّوُ لَالِحَ كُذَارَ كَيَدَعَسَوُ هَلَلَا لَيَبَسِ لَلَا  
فِعْضِ ةَامَغِبَسَبِ لَجَّوُ

*Абдуллоҳ ибн Бурайда отас Бурайда Асламийдан ривоят қилади:*

**“Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:**

**“Ҳаж сафарига сарф-харажат қилиш Аллоҳ азза важалла йўлида сарф-харажат қилиш каби (бирнинг эвазига) етти юз баробар (ажр) бўлади” дедилар” (Имом Аҳмад ривояти).**

مَلَسَوُ هَلَلَا لَيَبَسِ لَلَا لُؤُسَرَّ لَاقَ لَاقَ ةَنَعُ هَلَلَايَ ضَرَّ كَلَامِ نَبِ سَنَ أَعِ  
أَوَعَدَ أَمُّ هَلُّ بِيَجَسَيَّوُ ، أُولَاسِ أَمُّ هَلُّ طَعِي ، لَجَّوُ زَعُ هَلَلَا دُفَوُ رَامُغَلَاوُ جُجَحَّوُ

"فَلْأَفْلَحَ مَنْ رَدَّلَا أَوْ قَفَّ نَأْمُ مَهْيَلَعُ فُلْحُي وَ

*Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Ҳожилар ва умра қилгувчилар Аллоҳ азза важалланинг меҳмонидирлар. Уларга сўраган нарсасини беради. Дуо қилган нарсаларини улар ҳаққида ижобат қилади ва улар сарфлаган бир дирҳам эвазига минглаб беради” дедилар**” (Шуъаби иймон).

"فَلْأَقْمَلِسُو هَلْ لَعَلَّ لِي صَبِي نَلَا نَع ، هَيْبُ نَعْ عَنَعُ هَلْ لِي صَرَّ دِي رِبْ نَبَا نَع  
" . "عَائِمٌ بَسْبُ مَرَدَّلَا هَلْ لِي بَسْبُ يَفْ . قَفَّ نَلَا لَثَمَّ حَلَّ يَفْ قَفَّ نَلَا

*Бурайда розияллоҳу анҳу оталаридан ривоят қилади:*

**“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Ҳажга қилинган нафақа Аллоҳ йўлида қилинган нафақа кабидир. Бир дирҳам эвазига етти юз баробардир” дедилар**” (Муъжамул авсат).

**Фойда:** Баъзи ривоятларда ҳаж сафари давомида сарфланган бир сўм эвазига юз минг сўмни ажри, савоби ва фазилати берилади дейилган. Шунинг учун маблағини исроф қилмасдан, хурсанд бўлиб сарф қилиши лозим. Баъзи ҳаж сафарига борган одамлар зарурий ва керакли нарсаларга сарф-харажат қилгани қизғаниб кераксиз бўлган совға-салом олишга катта сарф қиладилар. Аслида эса, Ҳарамда истиқомат қилаётган пайтда ейиш-ичиш, Мино, Арафот ва Муздалифага бориб-келишда хурсанд бўлиб сарф қиилган ҳар бир сўми эвазига юз минглаб Аллоҳ йўлида қилинган эҳсоннинг савоби берилади.

### **13. ҚОДИР БЎЛА ТУРИБ ҲАР БЕШ ЙИЛДА ҲАЖ САФАРИГА БОРМАСЛИК МАҲРУМЛИККА САБАБДИР**

نَع لَأَقْمَلِسُو هَلْ لَعَلَّ لِي صَبِي نَلَا نَع ، هَيْبُ نَعْ عَنَعُ هَلْ لِي صَرَّ دِي رِبْ نَبَا نَع  
يَضْمَت هَشْيَع مَلَا يَفْ . هَيْبُ نَعْ عَنَعُ هَلْ لَعَلَّ لِي صَبِي نَلَا نَع ، هَيْبُ نَعْ عَنَعُ  
هُ مَوْحَمَلَّ يَلْ إِدْفِي أَلْمَأَوْعَأُ هَسْمَخ هَيْ لَع

*Абу Саъийд Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**



**“Аллоҳ азза важалла деди:**

**“Қайси бандани жисмини соғлом, ризқини кенг қилсаму у ҳар беш йилда ҳузуримга ҳозир бўлмаса, (у раҳматимдан) маҳрумдир” дедилар”** (Ибн Ҳиббон ривояти).

**Фойда:** Мазкур ҳадиси шариф қудсий ҳадис бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи всалламнинг лафзлари билан унда Аллоҳ таолонинг кўрсатмаси бевосита баён қилинмоқда. Ҳажга қодир бўлиб, тез-тез ҳажга бориб турган кишига кўплаб яхши мукофатлар, насибалар мавжуддир.

ملسو وهيلع هلالا لصل لولل لوسر لاق : لاق هنع هلالا يضرن بيلع نيسحلل نع اهفاحضأ قفناً ال هلالا يضري اميف اهقفني قفنب نضي عمأ الو دبعم ام :  
تيضق هتجاج يف يعسلل او ملسلله هيخأ ةنوعم عدي دبعم نمل او هلالا طخس يف  
نمل او هيلع رجؤي الو هيف مثأي نمل ةنوعم بيلتبالا لاضقت مل وأ ةجالحل كلت  
لرطن ال اي ندل جئاح نمل ةجالح هيلل لبسلل دجي وهو جحلل عدي عمأ الو دبعم  
«ةجالحل كلت هلالا ييضقني لبقي نيلحلل».

*Ҳусайн ибн Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Қайси бир эркак ёки аёл Аллоҳ рози бўладиган ўринга нафақа қилишдан бахиллик қилса, албатта унинг мислича Аллоҳнинг ғазабини келтирадиган нарсага сарфлайди. Кимки мусулмон биродарига ёрдам бериш, ҳожатини чиқаришда югириб-елишни тарк қилса, хоҳ у ҳожати раво бўлсин ёки бўлмасин гуноҳга ёрдам беришга мубтало бўлади ҳамда савобсиз қолади. Қайси бир эркак ёки аёл йўлга қодир бўла туриб дунёвий ҳожатларидан бирор бир ҳожатни бахона қилиб, ҳажни тарк қилса Аллоҳ унинг ҳожатини чиқармасидан илгари ҳожиларни қайтиб келганини кўради, яъни ҳожилар ортга қайтиб келмагунларича Аллоҳ унинг ҳожатини раво қилмайди”.**

#### **14. ҲАЖ САФАРИДА ВАФОТ ЭТГАН КИШИГА ҚИЁМАТ КУНИГАЧА АЖР ЁЗИЛИБ ТУРАДИ**

نَم " :مَلَسَوِ هِيَ لَعُ هَلَلَا لِي لَصَل لَللَا لُؤْسَر لَاق : لَاق هَنَعُ هَلَلَا يَضَرَّ هَرِيْرُهُ يَبْأَنَع  
بِتُّكَ تَأْمَفْ أَرْمَتْ عُمْ حَخَّ نَمَوِ ءَمَ أَيُّ قُلَلَا مَوِي لَلِجَّحْ لَلْأُجَّأ هَلَّ بَتُّكَ تَأْمَفْ أَجَّحَّ حَخَّ  
... " . ءَمَ أَيُّ قُلَلَا مَوِي لَلِجَّحْ لَلْأُجَّأ هَلَّ رَمَتْ عُمْ لَلْأُجَّأ هَلَّ

*Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Кимки ҳаж сафарига чиқиб вафот этса, қиёмат кунигача унга ҳаж қилгувчининг ажри ёзилиб туради. Кимки, умра сафарига чиқиб вафот этса, қиёмат кунигача умра қилгувчининг ажри унга ёзилиб туради...” дедилар”** (Абу Яъло ривояти).

## **15. ЭЛЛИК МАРТА ТАВОФ ҚИЛГУВЧИ МАЪСУМ ГҶДАК КАБИ ГУНОҲЛАРДАН ПОКДИР**

نَمٌ: مَلَسُو هَلَلِ لِيَصِلَ لَلْأُلُسْرِ لَاقٍ: لَاقَ هَ نَعُ لَلْأِيضَ رَسَابَعٍ نَبَا نَع  
هُمُ أَهْتَدَلْ وَ مَوِي كِه بُونُ ذُنْمَ جَخَّ رَمَ نِي سَمَخَ تَيَبْ لِبَابَ فَا ط

*Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Ким эллик марта Байтуллоҳни тавоф қилса, гуноҳларидан онасидан янги туғилгандек бўлиб чиқур” дедилар”** (Термизий ривояти).

## **16. БАЙТНИ БИР ҶАФТА ТАВОФ ҚИЛГАН КИШИ**

لَوْ قَيَّمَلَسَ وَ هَيَلَعُ لَلْأِيصَلَّ لَلْأُلُسْرِ تَعَمَسُ " : لَاقَ هَ نَعُ لَلْأِيضَ رَمُعُ نَبَا نَع  
أَهْبُ هَ نَعُ لَلْأِيصَلَّ لَلْأِيصَلَّ أَلْوَ أَمَدَقَ غَضَيَّ أَلْوَ أَعُوبُ سَأُ تَيَبْ لِبَابَ فَا ط نَمُ "  
"ةَجَزَدَ أَهْبُ هَ نَعُ لَلْأِيصَلَّ لَلْأِيصَلَّ أَلْوَ أَمَدَقَ غَضَيَّ أَلْوَ أَعُوبُ سَأُ تَيَبْ لِبَابَ فَا ط نَمُ "

*Ибн Умар розияллоҳу анҳу:*

**“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Кимки байтни бир ҳафта тавоф қилса, (тавофда) бир қадамни қўймайди ва бошқасини кўтармайди магар (қўйса ва кўтарса) Аллоҳ ундан у (қўйган ва кўтарган ҳар бир қадамига) бир гуноҳни кечади ва у (қўйган ва кўтарган қадам) сабабли у учун ҳасана ёзади ҳамда у сабабли унинг даражасини кўтаради” деяётганларини” эшитдим”** деди.

## 17. ҚОРА ТОШ ГУНОҲЛАРИНИ СЎРИБ ОЛАДИ

لَزَنَ مَلَسُو هَلْ لَصَلَّ لُؤْسَرَلْ لَاقَ لَاقَ هَعُ لَلَا يَضَرَّ سَابَعِ نَبَا نَع  
مَدَا يَنْبَا طَخُ هَتَدَّوَسَفِ نَبَلَلَا نَمَ أَضَايَبُ دَشَا وَهَوَّ نَجَلَا نَمَ دَّوَسَا لَ رَجَحَلَا

*Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Ҳажари асвад жаннатдан тушди. У сутданда оппоқ эди. Бас, уни одам боласининг хатолари қорайтирди” дедилар”** (Термизий ривояти).

**Фойда:** Қора тошда гуноҳларни тортиб олиш хусусияти мавжуддир.

## 18. ҚОРА ТОШ ВА МАҚОМИ ИБРОҲИМ АСЛИДА НУР ТАРАТУВЧИ ЭДИ

هَيْ لَعُ لَلَا يَلَصَلَّ لُؤْسَرَلْ لَاقَ لَاقَ هَعُ لَلَا يَضَرَّ وَرَمَعِ نَبَا دَبَعِ نَع  
وَلَوَّ أَمْ هَرُونُ هَلَلَا سَمَطِ هَجَلَا تَوُقَايُ نَمَ نَاتَتْ وَوَقَايُ مَاقَمَلَاوَا نَكْرَلَا نِ لُؤُقَايُ مَلَسَاو  
بِعَمَلَاوَا قَرَشَمَلَا نَبَا أَمْ أَضَا لَ أَمْ هَرُونُ سَمَطِي مَل

*Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**У: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Рукн (қора тош) ва мақом (мақоми Иброҳим) жаннат ёқутларидан икки ёқут (тош) эди. Аллоҳ у иккисини нурини ўчирди. Агар у иккисини нурини ўчирмаганида, машриқ билан мағриб ўртасини ёритар эди” деяётганларини” эшитдим” деди** (Термизий ривояти).

تَوُقَايُ نَمَ نَاتَتْ وَوَقَايُ مَاقَمَلَاوَا نَكْرَلَا نِ " : لَاقَ أَمْ هَعُ لَلَا يَضَرَّ سَابَعِ نَبَا نَع  
أَمْ الْوَلَوَّ ، أَمْ هَرُونُ هَجَلَا يَلَصَلَّ لُؤْسَرَلْ لَاقَ لَاقَ هَعُ لَلَا يَضَرَّ وَرَمَعِ نَبَا دَبَعِ نَع  
يَلَاغَتْ هَلَلَا سَنَا ضَرَّ أَمْ هَرُونُ ؛ أَمْ هَرُونُ نَمَ لَجَّوَّ زَعُ هَلَلَا أَفْطَا  
هَيْ لَعُ لَلَا يَلَصَلَّ لُؤْسَرَلْ لَاقَ لَاقَ هَعُ لَلَا يَضَرَّ وَرَمَعِ نَبَا دَبَعِ نَع  
يَدِيَا نَمَ لَجَّوَّ زَعُ هَلَلَا يَلَصَلَّ لُؤْسَرَلْ لَاقَ لَاقَ هَعُ لَلَا يَضَرَّ وَرَمَعِ نَبَا دَبَعِ نَع  
نَكْرَلَا لَاقَ لَاقَ هَعُ لَلَا يَضَرَّ وَرَمَعِ نَبَا دَبَعِ نَع  
مَطْعَاةَ أَيُّ قَلَا مَوِي أَمْ هَرُونُ دَحَاوَا لُكَّ يَتَايُ هَجَلَا رَهَوَّجُ نَمَ نَاتَتْ رَهَوَّجُ أَمْ هَرُونُ  
" : أَفْطَا لَاقَ لَاقَ هَعُ لَلَا يَضَرَّ وَرَمَعِ نَبَا دَبَعِ نَع  
يَلَاغَتْ هَلَلَا سَنَا ضَرَّ أَمْ هَرُونُ ؛ أَمْ هَرُونُ نَمَ لَجَّوَّ زَعُ هَلَلَا أَفْطَا  
هَيْ لَعُ لَلَا يَلَصَلَّ لُؤْسَرَلْ لَاقَ لَاقَ هَعُ لَلَا يَضَرَّ وَرَمَعِ نَبَا دَبَعِ نَع  
يَدِيَا نَمَ لَجَّوَّ زَعُ هَلَلَا يَلَصَلَّ لُؤْسَرَلْ لَاقَ لَاقَ هَعُ لَلَا يَضَرَّ وَرَمَعِ نَبَا دَبَعِ نَع  
نَكْرَلَا لَاقَ لَاقَ هَعُ لَلَا يَضَرَّ وَرَمَعِ نَبَا دَبَعِ نَع  
مَطْعَاةَ أَيُّ قَلَا مَوِي أَمْ هَرُونُ دَحَاوَا لُكَّ يَتَايُ هَجَلَا رَهَوَّجُ نَمَ نَاتَتْ رَهَوَّجُ أَمْ هَرُونُ  
" : أَفْطَا لَاقَ لَاقَ هَعُ لَلَا يَضَرَّ وَرَمَعِ نَبَا دَبَعِ نَع

*Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо:*

“Рукн ва мақом жаннат ёқутларидан икки ёқутдир. Иккиси осмондан тушганида у иккисини нури бор эди. Ерга иккиси қўйилганида у иккисини нури ўчирилди. Агар у иккисини нурини Аллоҳ ўчирмаганида, албатта ер ва осмон ўртасини ёритиб турар эди. Аллоҳ таоло у иккиси билан Одам алайҳиссаломни ҳурсанд қилди. Иккиси жуда оқ бўлганлигидан ялтирар эди. Одам алайҳиссалом рукнни олиб, у(Каъба) билан дўст бўлиши учун ун (каъба)га қўшди. Аллоҳ аzza ва жалла жоҳилият қўли билан муҳрламаганида кўр ва песни тузатар эди. Ер юзида рукн ва мақомдан бошқа жаннатдан бирор нарса йўқ. У иккиси жаннат жавҳарларидан икки жавҳардир. У иккисидан ҳар бири қиёмат куни Абу Қубайсдан улкан бўлиб келади. У иккисини икки кўзи, икки лаби бўлиб, иккисига вафо қилган кишилар фоидасига гувоҳлик берадилар” деди.

## 19. УЗРЛИ КИШИ НОМИДАН ҲАЖИ БАДАЛ ҚИЛИШ

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا اَلَمْ يَجْعَلْ لَّكُمْ اٰيٰتٍ فِيْ مَا خَلَقَ لَكُمْ مِنْ اَنْفُسِكُمْ وَمَا يَرٰكُمْ فِيْ السَّمٰوٰتِ اِلَّا رِجَالًا مَّوَدَّعِيْنَ ۗ وَهُوَ الَّذِيْ يَرْزُقُكُمْ اِنْ كُنْتُمْ لَا تَشْكُرُوْنَ ۗ  
اَلَمْ يَجْعَلْ لَكُمْ اٰيٰتٍ فِيْ مَا خَلَقَ لَكُمْ مِنْ اَنْفُسِكُمْ وَمَا يَرٰكُمْ فِيْ السَّمٰوٰتِ اِلَّا رِجَالًا مَّوَدَّعِيْنَ ۗ وَهُوَ الَّذِيْ يَرْزُقُكُمْ اِنْ كُنْتُمْ لَا تَشْكُرُوْنَ ۗ  
اَلَمْ يَجْعَلْ لَكُمْ اٰيٰتٍ فِيْ مَا خَلَقَ لَكُمْ مِنْ اَنْفُسِكُمْ وَمَا يَرٰكُمْ فِيْ السَّمٰوٰتِ اِلَّا رِجَالًا مَّوَدَّعِيْنَ ۗ وَهُوَ الَّذِيْ يَرْزُقُكُمْ اِنْ كُنْتُمْ لَا تَشْكُرُوْنَ ۗ  
اَلَمْ يَجْعَلْ لَكُمْ اٰيٰتٍ فِيْ مَا خَلَقَ لَكُمْ مِنْ اَنْفُسِكُمْ وَمَا يَرٰكُمْ فِيْ السَّمٰوٰتِ اِلَّا رِجَالًا مَّوَدَّعِيْنَ ۗ وَهُوَ الَّذِيْ يَرْزُقُكُمْ اِنْ كُنْتُمْ لَا تَشْكُرُوْنَ ۗ

*Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Хасъамлик бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб:**

**“Эй, Аллоҳнинг расули! Отам исломни топди. У уловни минишга ярамайдиган кекса ёшдаги киши бўлиб, унинг зиммасига ҳаж фарз бўлди. Уни номидан мен ҳаж қилсам бўладими?” деди.**

**У зот:**

**“Сен унинг фарзандларини каттасимсан?” дедилар.**

**У:**

**“Ҳа” деди.**

**У зот:**

**“Отангни зиммасида қарзи бўлса, уни тўласанг, ўша (унинг номидан) жоиз бўладими?” дедилар.**

**У:**

**“Ҳа” деди”**

**У зот:**

**“Ундай бўлса, уни номидан ҳаж қил” дедилар”** (Байҳақий ривояти).

## **20. ЭРКАК КИШИ НОМИДАН АЁЛ КИШИНИ ҲАЖИ БАДАЛ ҚИЛИШИ**

يَبَأَنَّ إِهْلَالَ لَوْ سَرَّ أَيُّ : تَلَّاقَ مَعْتَمِدًا نَمَّ أَرْمَانًا نَأْمُهُ نَعُهُ لَلَّيَضَّرَ سَابَعًا نَبَأَنَّهُ  
رَهْطًا لَعَلَّ عَيَّ وَتَسَيَّ نَأْنُ عَيْطَتَسَيَّ أَلْ أَرِيْبَكَ أَيْ شَجَّحَلَّ أَيْ فِهْلًا لَأُضِيْرَفُهُ تَكَرَّدًا  
« نَعُهُ عَيْ جُحَف » : لَأَقُ بِرِيْعَب

*Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:*

**“Хасъам қабиласидан бир аёл:**

**“Эй, Аллоҳнинг расули туяни устида ўтиришга тоқат қилмайдиган катта ёшли кекса отамга Аллоҳнинг фарз ҳажи лозим бўлган” деди.**

**У зот:**

**“Уни номидан ҳаж қил” дедилар”** (Термизий ривояти).

## **21. ОТА-ОНА НОМИДАН ҲАЖИ БАДАЛ ҚИЛГАНЛИГИ ТУФАЙЛИ ЖАҲАННАМДАН ОЗОД ҚИЛИНГАНЛИГИ ХАБАРИ**

مَلَسَ وَهِيَ لَعَلَّ لَأَصْرَهُ لَلَّ لَوْ سَرَّ لَأَقُ : لَأَقُ نَعُهُ لَلَّيَضَّرَ رَمَعًا نَبَهُ لَلَّ دَبَعًا نَعُهُ  
رَجَأْمُهُ نَعُهُ جُحْمَلَلَّ نَأْنُ وَرَأْنَلَّ نَمَّ قُتَعُهُ لَبْتُكَ أَمْ هَتَّافًا وَدَعَبَهُ هَيْدَلًا وَنَعَّ جَحَّ نَمَّ  
" . نَيْ شَأْمُهُ رُحًا نَمَّ صَقْنُي نَأْرِيْعُهُ نَمَّ مَاتَ جَحَّ

*Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Кимки ота-онаси вафотидан кейин у иккиси номидан ҳаж қилса, унга дўзахдан озодлик ёзилади ва у иккисига ажрларидан бирор нарсани камайтирилмай тўлиқ ҳажнинг савоби берилади” дедилар”**

(Шуъаби иймон).

نَمٌ : مَلَسَ وَ هَيَّلَ هَلَّلَا يَلِصُ هَلَّلَا لَوْ سَرَّ لَأَقُ : لَأَقُ هُنَّ عُهُلَلَا يَضَرَّ سَابِعَ نَبَا نَعِ  
رَأْبَ أَلْعَمَّ مَآيَ قَوْلِ مَوِي هَلَّلَا هَتَّعَبَ أَمَّ عَمَّ أَمُّ هُنَّ عِضَاقٌ وَأَهْدِي دَلَاوُنَّ عَجَّ ح

*Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:**

**“Кимки ота-онаси номидан ҳаж қилса ёки у иккисининг қарзини тўласа, қиёмат куни Аллоҳ таоло уни аброрлар билан бирга тирилтиради” дедилар”** (Муъжами авсат).

نَمٌ : مَلَسَ وَ هَيَّلَ هَلَّلَا يَلِصُ هَلَّلَا لَوْ سَرَّ لَأَقُ : لَأَقُ هُنَّ عُهُلَلَا يَضَرَّ مَقْرَأَ نَبَا دِي نَعِ  
أَمَّ هُنَّ عُهُلَلَا ذَأْجَ أَمَّ نَعِ وَأَهْيَ أَبَا نَعِ ح نَمٌ

*Зайд ибн Арқам розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:**

**“Ким отаси ёки онаси номидан ҳаж қилса, ўша унинг ҳам ва у иккисининг номидан ҳам жоиз бўлади” дедилар”** (Муъжами кабийр).

ح نَمٌ مَلَسَ وَ هَيَّلَ هَلَّلَا يَلِصُ هَلَّلَا لَوْ سَرَّ لَأَقُ : لَأَقُ هُنَّ عُهُلَلَا يَضَرَّ رِي رَهْيَ أَبَا نَعِ  
يَلِصُ لَدَنَمٌ وَ رَجَأَ لَثَمَ هَلْفَ أَمَّئِصَ رَطْفَ نَمٌ وَ رَجَأَ لَثَمَ هُنَّ عِ ح يَدَلَلَفَ تِي م نَعِ  
هَلْعَافَ رَجَأَ لَثَمَ هَلْفَ رِي

*Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:**

**“Кимки маййит номидан ҳаж қилса, ҳаж қилгувчига унинг ажрича ажр бўлади. Кимки рўзадорни ифтор қилдирса, унга унинг ажрича ажр бўлади. Кимки яхши ишга далолат қилса, унга уни қилгувчининг ажрича ажр бўлади” дедилар”** (Муъжами авсат).

## **22. БОШҚАЛАР НОМИДАН ҲАЖ ҚИЛИШДАН ОЛДИН ЎЗИ НОМИДАН ҲАЖ ҚИЛИШ ЛОЗИМ**

لُؤُقَيِ الْجَرَعَمَسَ مَلَسَ وَ هَيَّلَ هَلَّلَا يَلِصُ يَبْنَلَانَّ نَأْ هُنَّ عُهُلَلَا يَضَرَّ سَابِعَ نَبَا نَعِ :  
لَأَقُ ؟ كَسْفَنَنْ عَجَّ ح : لَأَقُ ، يَلْحَأُ : لَأَقُ ؟ مَرْبُشُ نَمٌ : لَأَقُ ، مَرْبُشُ نَعِ كَيْيَبَل  
: مَرْبُشُ نَعِ حَّ مَث ، كَسْفَنَنْ عَجَّ ح : لَأَقُ أَل :

*Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кишини “Лаббайка аън Шубрума” деяётганини эшитиб:**

**“Шубрума ким?” дедилар.**

**У:**

**“Мени иним” деди.**

**У зот:**

**“Ўзингни номингдан ҳаж қилганмисан?” дедилар.**

**У:**

**“Йўқ” деди.**

**У зот:**

**“Ўзингни номингдан ҳаж қилиб, сўнг Шубрума номидан ҳаж қил” дедилар”** (Ибн Ҳиббон ривояти).

**Фойда:** Кўп кишилар ўзларига фарз қилинган ҳажни адо қилмасдан туриб ўзгалар номидан ҳаж қиладилар. Бу эса, уни билимсизлигидандир. Демак, дастлаб ўзини ҳажини адо қилиб, кейинги йилларда имкони бўлса бошқалар номидан ҳаж қилиш лозим.

### **23. РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ ҲИЖРАТДАН КЕЙИН ТҮРТ МАРТА УМРА ҚИЛГАНЛАР**

رَمُوعَ بَرَاءَ رَمْتَا مَلَسُو هَلْ لِي لَصَّ بِنِّ لَانَّ أَوْ نَعُ هَلْ لِي ضَرَّ سَابَعِ نَبَا نَع  
رَمُوعَ وَدَعْقُولَا ذِي فِءَاضَ قُولَا رَمُوعَ لِبَاقٍ مَنَ عَيْنَا لَلرَمُوعَ وَبِي دُخُولَا رَمُوعَ  
وَتَّحَّحَ عَمَّ تَلَا عَابَارِلَا وَنَارِعُ لَلْمَنَّةِ شَلَا لَلَا

*Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тўрт мартаба умра қилганлар: Худайбия умраси, иккинчи умра келгуси йили зул қаъда ойида қазо умра, учинчи умра Жиирронадан эҳромга кирганлар, тўртинчиси ҳажлари билан бирга қилганлар”** (Термизий ривояти).

## 24. РАМАЗОНДА ҚИЛИНГАН УМРАНИНГ ФАЗИЛАТИ ҲАЖГА БАРОБАР

يُرمَتَعَا « : لاق ، مَلَسُو هَلَلَا يَلِصُ بِبِنِ لَاقِ نَعَاهُ لَلَا يَضَرُّ لِقَعَمَ مَأْنَعِ  
عَجَّ لَدَعَتِ نَاضِرْمَ يَفِ عَرْمَعِ نِإْفِ ، نَاضِرْمَ يَفِ

*Умму Маъқал розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

**“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Рамазонда умра қилинглар, чунки рамазонда қилинган умра (ажру савобда) ҳажга тенгдир” дедилар**” (Термизий ривояти).

و هَلَلَا يَلِصُ بِبِنِ لَاقِ لَوْ سَرَّ لَاقِ لَاقِ نَعَاهُ لَلَا يَضَرُّ صَاعِلَا يَبْأَنْبِ نَامِثَعِ نَعِ  
رِيخِ عَجَّ وَ اهِي فِ امَوَايِنْدَلَا مِ رِيخِ عَرْمَعِ نَأْوَ رِغْصَالَا جَحَلَا يَهْ رَمَعَلَا نَأْمَلَعَاو مَلَسِ  
عَرْمَعِ نَعِ

*Усмон ибн Абул Ос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Билгинки, умра у ҳажжул асғардир ва умра дунё ва ундаги нарсалардан яхшидир. Ҳаж эса, умрадан яхшидир” дедилар**” (Муъжами кабийрдан қисқартирилган ҳолда келтирилган).

و هَلَلَا يَلِصُ بِبِنِ لَاقِ لَمَيْلَسِ مَأْتِءَا لَاقِ نَعَاهُ لَلَا يَضَرُّ سَابَعِ نَبْنَعِ  
نَاضِرْمَ يَفِ عَرْمَعِ مَيْلَسِ مَأْاي لَاقِ فِ نَاكْرَتِ وَ هَنْبَاو عَحَلَطِ وَ بَأَجَّ تَلَاقِ فِ مَلَسِ وَ  
عَجَّ لَدَعَتِ

*Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Умму Сулайм Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб:**

**“Абу Талҳа ва унинг ўғли ҳаж қилиб, иккалалари ҳам мени тарк қилдилар” деди.**

**Шунда у зот:**

**“Эй, Умму Сулайм рамазонда қилинган умра (ажру савобда) ҳажга баробар бўлади” дедилар**” (Ибн Ҳиббон ривояти).



## 25. МАККАДАН АРАФОТГАЧА УЛОВДА БОРИЛСА, ҲАР БИР БОСИЛГАН ҚАДАМГА ЕТМИШТА АЖР ЁЗИЛАДИ

نَبِيَّ حَاجَّةَ كَمَنْ أَوْجُحًا ، يَنْبِي أَيُّ هِيَ نَبِيَّ لِقَاقُ هَنَّأ ، أُمَّه نَع ِلَلَا يَضُرُّ سَابَعِ نَبَانَعِ  
بِكَا رَلَا حَاجُّ لَلْنِ : لِقُوقِي مَلَسَوِ هَيْلَعُ لَلَا لِلصِّ لَلَا لِقُوسِرُّ تَعَمَسِ يِنِ إِفَّ ءَاشُمِ  
اهُوَطَّخِي ءَ وُطَّخِ سَلِكِبِ يَشَامَلِلَوِ ءَنَسَحِ نَيْغَبَسِ هُتَلَحَارِ اهُوَطَّخَتِ ءَ وُطَّخِ سَلِكِبِ  
ءَنَسَحِ ءَئَامَعِبَسِ

*Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:*

**У ўғлига:**

**“Ҳаж қилгувчи ҳолатда Маккадан (арафотга) пиёда чиқинглар. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:**

**“Уловли ҳожи учун улови босган ҳар бир қадамига етмишта ҳасана ва пиёда учун ҳар бир босган қадамига етти юзта ҳасана бўлади” деяётганларини эшитдим” деди (Муъжами кабийр).**

**Фойда:** Маккаи мукаррамадан арафотгача пиёда бориб, пиёда ортга қайтган ҳожига уловда бориб, уловда қайтган ҳожига нисбатан олти юз ўттизта ажр зиёда бўлади. Шу билан бирга арафотдан тушишда пиёда тушиш уловга нисбатан осонроқдир ва савоби ҳам зиёдадир.

## 26. МАККАИ МУКАРРАМАДАН АРАФОТГА ПИЁДА БОРИБ, ПИЁДА ҚАЙТГАН ҲОЖИНИНГ ҲАР БИР БОСГАН ҚАДАМИГА ЕТТИ ЮЗ МИНГ АЖР БЕРИЛАДИ

لِقَاقُ فَمُهَعَمَجَفُ هَدَلَوِ اَعَدَفِ اَضَرَمِ اُمَّه نَع ِلَلَا يَضُرُّ سَابَعِ نَبَانَعِ نَبَانَعِ  
يْتَحِ اَيَّ شَامَ ءَ كَمَنْ نَمَّ حَّ نَمَّ : لِقُوقِي مَلَسَوِ هَيْلَعُ لَلَا لِلصِّ لَلَا لِقُوسِرُّ تَعَمَسِ  
تَانَسَحِ لُ شَمِ ءَ نَسَحِ لُ كِ ءَ نَسَحِ ءَئَامَعِبَسِ ءَ وُطَّخِ لُ كِبِ هَلُ لَلَا بَتَكَ ءَ كَمِ يَلِ اِعْجَرِي  
«ءَنَسَحِ فَلَ ءَئَامِ ءَ نَسَحِ لُ كِبِ» لِقَاقُ مَحَلُّ اَتَانَسَحِ اَمَوْلِي قِ «مَحَلُّ

*Зозонадан ривоят қилинади:*

**“Ибн Аббос розияллоху анхумо қаттиқ касал бўлиб, фарзандини чақириб, уларни жамлаб:**

**“Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:**

**“Ким пиёда Маккадан ҳаж қилса, Маккага қайтгунича Аллоҳ унинг ҳар бир (босган) қадамига етти юзта ҳасана ёзади. Ҳар бир ҳасана**

ҳарам ҳасанотлари мисличадир”. “Ҳарам ҳасанотлари нима?” дейилди. У зот:

“Ҳар бир ҳасана эвазига юз минг ҳасана бордир” деяётганларини эшитдим” деди (Ҳоким, Байҳақий ривояти).

## 27. НИФОС ҲОЛАТДА ЭҲРОМГА КИРИШ ЖОИЗ

رُكِبَ بِأَبِي نَبَدْمَحْمُومِ بْنِ سَيْمِ عُنْتِ بْنِ أَمْسَاءَ تَسْفَنَ لَأَقُ عَنْهُ لَلِإِيضَرِّ رِبَاجٍ نَعْرِفُ ثَسْتِ وَ لَسْتِ عَتَانُ أَرَمَ أَفُ لَعْفَتِ فَيَكُ هُ لَأَسْتِ لَلِإِيضَرِّ لُؤْسَرِ لَلِإِيضَرِّ تَلَسْرَافُ لُهُتِ وَ أَوْبُ وَ ثَبِ

*Жобир розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:*

“Асмо бинт Умайс (ҳажжатул видоъда) Муҳаммад ибн Абу Бакр(ни туғиб, шу сабаб)дан нифос кўриб, Расулуллоҳга одам юбориб, нима қилиши ҳақида сўради. У зот уни: “Ғусл қилиб, ўз кийими билан қонни тўсишга ҳамда эҳромга киришига” буюрдилар” (Насоий ривояти).

**Фойда:** Ушбу ҳадисдан ҳайз ва нифос ҳолатда эҳромга кириш макруҳ эмаслиги маълум бўлади.

## 28. ҲАЙЗ ҲОЛАТДА ТАВОФДАН БОШҚА ҲАЖНИНГ БАРЧА РУКНЛАРИНИ АДО ҚИЛИШ

تُضَحِّفَ رَسَبَ أَنْكَ أَمَلَفَ جَّحَّالًا إِلَى وَنَنَ أَلِ أَنْجَرَ حَ تَلَأَقُ أَهُنَّ عُهُ لَلِإِيضَرِّ شَائِعٍ نَعْرِفُ لُقُ . «تُضَحِّ أ» لَأَقُ فِ كِبَابِ أَنْ أَوْ مَلَسُو هَيْ لَعِ لَلِإِيضَرِّ لُؤْسَرِ لَلِإِيضَرِّ لَعَلَّ حَدَفَ يَضُوقِي أَمِ يَضُوقَ أَمَدَاتِ أَنْ بَ لَعَلَّ وَ زَعُ هُ لَلِإِيضَرِّ تَكُ عَيْشِ أَدَهُ نِ «لَأَقُ . مَعَنُ تَيْبُ لِبَابِ يَفُ وَ طَتِ أَلِ أَنْ رِيْعُ مَحْمُ لَ

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

“Биз ҳаж ниятида чиқиб, Сарифга келганимизда ҳайз кўрдим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени олдимга кирдилар. Мен йиғлаётган эдим. Шуда у зот:

“Ҳайз кўрдингми?” дедилар. Мен:

“Ҳа” дедим. У зот:

“Бу - Аллоҳ азза важалла Одам қизларига тақдир қилган нарсасидир. Бас, байтни тавофидан бошқа муҳрим нимани адо қилса, адо қилгин” дедилар” (Насоий ривояти).

## 29. УЧ МАСЖИДДА НАМОЗ ЎҚИШ УЧУН УЛОВНИ БОҒЛАШ

”دشئت ال : لاق مَسَوِهَيَّ لَعَلَّ لِي لَصِيَّبٌ نِي نَعْنَعُ لَلَايَضَرُّهُ رَبِّي أُنَع  
” . ” صَقُّ أَلَا دِجْسَمُو ، لُوْسُرُّ لَا دِجْسَمُو ، مَارْحَلَا دِجْسَمُو : دِجْسَمُو ةَثَالَتِ لِي لِي لَحْرُّ لَا

*Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Учта масжидда (ибодат қилиш учун) уловни боғлаш жоиз: Масжиди ҳарам, Масжиди расул, Масжиди ақсо” дедилар” (Бухорий ривояти).

## 30. МАСЖИДУЛ ҲАРОМДА ЎҚИЛГАН НАМОЗГА ЮЗ МИНГ, МАСЖИДУН НАБАВИЙ ВА АҚСОДА ЭЛЛИК МИНГ САВОБ ЁЗИЛАДИ

مَلَسُو هِي لَعَلَّ لِي لَصِيَّبٌ لَوْ سُرُّ لَق : لاق هُنَعُ لَلَايَضَرُّ كَلَامِ نَبِي سَنَأُنَع  
نِي رُشَعُو سَمَخَبِ لِي لَبَقُّ لَا دِجْسَمُو يَفِي هُنَعُ لَصَوِيَّةِ لَصَبِ هَتِيَّ بِي فِ لِحْرُّ لَا ةَالَص:  
يَفِي هُنَعُ لَصَوِيَّةِ لَصَبِ ةَائِمَسْمَخَبِ هِي فِ عَمَجِي يَدُّ لَا دِجْسَمُو لَا يَفِي هُنَعُ لَصَوِيَّةِ لَصَبِ  
فَلْأُنِي سَمَخَبِ آدَهِي دِجْسَمُو يَفِي هُنَعُ لَصَوِيَّةِ لَصَبِ فَلْأُنِي سَمَخَبِ صَقُّ أَلَا دِجْسَمُو لَا  
ءَالَصِ فَلْأُ ةَائِمَبِ مَارْحَلَا دِجْسَمُو لَا يَفِي هُنَعُ لَصَوِيَّةِ لَصَبِ

*Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

“Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Кишини уйдаги намози бир намозга баробардир. Қабила масжидидаги намози йигирма беш намозга баробардир ва жомеъ масжидидаги бир намози беш юз намозга тенгдир. Масжидул ақсодаги бир намози эллик минг намозга тенгдир. Мени масжидимдаги бир намози эллик минг намозга баробардир. Масжидул ҳаромдаги бир намози юз минг намозга тенгдир” дедилар” (Ибн Можа ривояти).

يَفِي ةَالَصِ مَسَوِهَيَّ لَعَلَّ لِي لَصِيَّبٌ لُوْسُرُّ لَق لَق هُنَعُ لَلَايَضَرُّ رَبِّي أُنَع  
يَفِي ةَالَصِ وَمَارْحَلَا دِجْسَمُو لَا ةَائِمَبِ هَاوَسِ أَمِي فِ ةَالَصِ فَلْأُنِمُ لَضْفَأُ آدَهِي دِجْسَمُو  
هَاوَسِ أَمِي فِ ةَالَصِ فَلْأُ ةَائِمُ نِمُ لَضْفَأُ مَارْحَلَا دِجْسَمُو لَا

*Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Менинг бу масжидимдаги намоз ундан бошқалардаги мингта намоздан афзалдир. Фақат масжидул ҳаром бундан мустаснодир. Масжидул ҳаромдаги намоз ундан бошқадаги юз минг намоздан афзалдир”** (Ибн Можа ривояти).

يَفِيءُ الْعَالِصَ لِمَنْ لَمْ يَسْوِهْ وَيَلْعَلْ لِيَصَّيَّبُ النَّانُ عَنَّا لِيَضْرَبَ رِيْبًا نَعَمَ  
مَأْخُذًا لِيَجْسَمَ الْإِلَهَ أَوْسَامِي فِي الْعَالِصِ فَلَمَّا نَمُضُ فَا أَدَّهَ يَدِجْ سَمَ

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Менинг бу масжидимдаги намоз ундан бошқалардаги мингта намоздан афзалдир. Фақат Масжидул ҳаром бундан мустаснодир”** (Бухорий ривояти).

**Фойда:** Ҳожиларга Масжидул ҳаром ва Масжидун набавийда намоз ўқиш имкони бўлса, уни қадрини билиш лозимдир ва у ердаги бирор вақт намозни қўлдан бой бермасликлари даркор. Акс ҳолда, шунча фазилят қўлдан бой берилади ва уни ортга қайтариш жуда мушкулдир.

### **31. ЗАМЗАМ СУВИДАН ВАТАНГА ОЛИБ КЕТИШ САОДАТИ**

سَأُرْكُذَّتْ وَيُرِي رَأَوْقُ لِي فِي مَزْمَزَءَامَ لِمَحْتِ تَنَّاكَ أَنَّا هُنَّ لِي ضَرَّ شَائِعًا نَعَمَ  
مَهِي قُسَيَّ وَيَضْرَمُ لِي لَعْبُ صَيَّ نَأَكْ وَكَذَلَعَفَ لِمَنْ سَوِهْ وَيَلْعَلْ لِي لَوَسْرَ

*Оиша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“У замзам сувини шиша идишларда кўтариб олиб кетар ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай қилар ва касаллар устидан қуяр ва уларга ичкизар эдилар деб айтарди”.**

### **32. МАДИНАИ МУНАВВАРАГА ҚИЁМАТГАЧА ЎЛАТ ҲАМ ДАЖЖОЛ ҲАМ КИРА ОЛМАЙДИ**

يَلَعَمَلَسَوِوَهَيَلَعُجَلَلِىَلَصَلَلِوَلُؤُسَرَلَقَلَقُؤَهَعُجَلَلِىَضَرَرَهَرِيَرُهَيَبَانَع  
جَلَجَدَلَالَوُنُوُعَاَطَلَالَاهَلُخَدِيَالُكَلئَالَمَهَنِيَدَمَلَلَبَاقُنْأ

*Абу хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

**“Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:**

**“Мадинанинг йўлларида фаришталар бор. Унга ўлат ҳам, Дажжол ҳам кира олмайди”, дедилар”** (Бухорий ривояти).

### **33. МАДИНАИ МУНАВВАРАДА ВАФОТ ЭТУВЧИЛАРГА ШАФОАТ БАШОРАТИ**

مَلَسَوِوَهَيَلَعُجَلَلِىَلَصَلَلِوَلُؤُسَرَلَقَلَقُؤَهَعُجَلَلِىَضَرَرَمُعِنْبَاهَلَلِدَبَعُؤَنَع  
اَوْبُتُؤُمَيْنَمَلُغُفَشَأَيِّنِإَفَاوْبُتُؤُمَيْلَفَهَنِيَدَمَلَلَبَاتُؤُمَيْنَأَعَاَطُتْسَانَم

*Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

**“Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:**

**“Кимки Мадинада вафот эта олса, унда вафот этсин. Чунки, унда вафот этган кишини шафоат қиламан” дедилар”** (Термизий ривояти).

**Фойда:** Мадинаи мунавварда вафот этган ҳожиларга Набий соллalloҳу алайҳи васаллам шафоат қилиш ваъдасини бермоқдалар.

### **34. МАДИНАИ МУНАВВАРА ҲУРМАТИ ВА МУҚАДДАСЛИГИГА ХИЛОФИШ ҚИЛГУВЧИЛАРГА ЛАЪНАТ ВАЪДАСИ**

إِلْمَلَسُوِهَيَلَعُجَلَلِىَلَصَلَلِوَلُؤُسَرَنَعَانَبَتَكَأَمَلَقُهَعُجَلَلِىَضَرَرِيَلَعُؤَنَع  
مَلَسُوِهَيَلَعُجَلَلِىَلَصَلَلِوَلُؤُسَرَلَقَلَقُؤَهَعُجَلَلِىَضَرَرِيَلَعُؤَنَع  
عُؤَنَعَلَهَيَلَعُؤَنَعِأَشَدْحُؤَيَوَأُؤَأَشَدْحُؤَنَمَفِرَوُثَيَلِإِرئَاعِنْبِأَمُؤَمَارْحُؤَهَنِيَدَمَلَلِأ  
نِيَمَلَسُؤْمَلِأُؤَمَدُوُفَرَصَالَوُؤَدَعُؤَهَنَمُؤَلْبُقِيَالَنِيَعْمَجَأَسَانَلِأَوُهَكَلئَالَمَلِأَوُهَلَلِأ  
سَانَلِأَوُهَكَلئَالَمَلِأَوُهَلَلِأُؤَنَعَلَهَيَلَعُؤَنَعِأَمَلَسُؤْمَرَفَخُؤَنَمَفُؤَهَانَدَأُؤَبِيَعَسِيُؤَدِحِأَو  
عُؤَنَعَلَهَيَلَعُؤَنَعِأَمَلَسُؤْمَرَفَخُؤَنَمَفُؤَهَانَدَأُؤَبِيَعَسِيُؤَدِحِأَو  
فَرَصَالَوُؤَدَعُؤَهَنَمُؤَلْبُقِيَالَنِيَعْمَجَأَسَانَلِأَوُهَكَلئَالَمَلِأَوُهَلَلِأ

*Али розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан фақат Қуръон ва бу саҳифадаги нарсани ёзиб қолдик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Мадинанинг ҳарами Айр билан Савр орасидадир. Ким унда бир бидъат пайдо қилса ёки бидъатчига жой берса, унга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча одамларнинг лаънати бўлсин. (Қиёмат куни) Аллоҳ ундан нафли ҳам, фарзни ҳам қабул қилмайди. Муслмонларнинг зиммаси бир бўлиб, уларнинг энг пасти ҳам унга кўра саъй қилади. Ким муслмонга берган аҳдини бузса, унга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча одамларнинг лаънати бўлсин. (Қиёмат куни) ундан нафл ҳам, фарз ҳам қабул қилинмас. Ким мавлоларининг изнисиз бир қавмга волий бўлса, унга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча одамларнинг лаънати бўлсин. (Қиёмат куни) Аллоҳ ундан нафли ҳам, фарзни ҳам қабул қилмайди», дейилган.**

**Фойда:** Мадинаи мунавваранинг жанубида, Макка тарафда, Зул Ҳулайфа яқинида Айр тоғи жойлашган. Ундан Мадинанинг ҳарами бошланади. Унинг қарама-қаршисида, яъни Уҳуд тоғининг орқасида Савр тоғи бўлиб, у Мадинанинг шимолида жойлашгандир. Саврнинг чўққисидан мадинанинг ҳарами бошланади.

### **35. ДАЖЖОЛ ЧИҚҚАН ВАҚТДА МАДИНАИ МУНАВВАРАНИНГ ЕТТИ ЭШИГИ БЎЛАДИ ВА ҲАР БИР ЭШИҚДА ИККИ ФАРИШТА ТУРАДИ**

لُحْدَيَّ الْآلِ قَاقٍ ، مَلَسُوهُ لَعَلَّ يَلِصَّ بِبَنِي لَدَانَةَ ، نَعُوهُ لَعَلَّ يَضْرَبَ رَعْرَعَةَ رَبِّ بَيْتِ أُنْعَانِ  
بَنِي كَلْبٍ بِبَابِ لُكَّيْ لَعَبٍ بِبَابِ أَوْبَاءَ عُبَّاسٍ ذِي مَوِيَّاتِ لَعَلَّ يَلْجَأَنَّ إِلَى حَيْسَمِ لُؤْلُؤِ بَيْتِ عُرَّةَ نَدِيمِ لَمَلَا

*Абу Бакр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Мадинага масиҳ Дажжолнинг ҳайбати кирмайди. Чунки, у вақтда у (Мадина)нинг еттита дарвозаси бўлиб, ҳар бир дарвозада икки фаришта бўлади” дедилар” (Бухорий ривояти).**

### **36. ЖАННАТ БОҒИДАГИ НАМОЗ ВА ИБОДАТНИНГ ФАЗИЛАТИ**

نَبِّئْنَا بِأَمْرِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي ذَلِكَ الْيَوْمِ الَّذِي صَرَخَ فِيهِ بِأَنْ يَخْرُجَ مِنْ بَيْتِهِ وَيَقْبَلَ رَأْسَ الْكَلْبِ الَّذِي فِي الْبَيْتِ. "يَضُوحَ يَلْعَبُ بِرَبِّهِمْ وَيَوْمَئِذٍ هُمْ كَاذِبُونَ".

*Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

**“Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:**

**“Уйим билан минбарим орасида жаннат боғларидан бир боғ бор. Минбарим эса, ҳавзи кавсарим устидадир” дедилар**” (Бухорий ривояти).

**Фойда:** Жаннат боғида, яъни Расулulloҳ минбари олдида намоз ўқиш билан жаннат боғи ва ҳавзи кавсардан ичиш насиб бўлади.

### **37. НАБАВИЙ МАСЖИДДА ҚИРИҚ РАКЪАТ НАМОЗ ЎҚИШНИНГ ФАЗИЛАТИ**

نَبِّئْنَا بِأَمْرِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي ذَلِكَ الْيَوْمِ الَّذِي صَرَخَ فِيهِ بِأَنْ يَخْرُجَ مِنْ بَيْتِهِ وَيَقْبَلَ رَأْسَ الْكَلْبِ الَّذِي فِي الْبَيْتِ. "يَضُوحَ يَلْعَبُ بِرَبِّهِمْ وَيَوْمَئِذٍ هُمْ كَاذِبُونَ".

*Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

**“Набий соллalloҳу алайҳи васаллам:**

**“Ким мени масжидимда қириқ (маҳал) намоз ўқиб, бирор намозни қолдирмаса, унга дўзахдан сақланиш, азобдан нажот ва нифоқдан эминлик ёзилинади” дедилар**” (Имом Аҳмад ривояти).

**Фойда:** Ҳожилар одатда Мадинаи мунавварада саккиз кун турадилар. Ўша вақт оралиғида озгина эътибор билан беш вақт намозни жамоат билан Набавий масжидда адо қилсалар, ҳадисда ваъда қилинган улуғ фазилатга эга бўладилар.

### **38. ҚУБО МАСЖИДИДА НАМОЗ ЎҚИШНИНГ ФАЗИЛАТИ**

نَبِّئْنَا بِأَمْرِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي ذَلِكَ الْيَوْمِ الَّذِي صَرَخَ فِيهِ بِأَنْ يَخْرُجَ مِنْ بَيْتِهِ وَيَقْبَلَ رَأْسَ الْكَلْبِ الَّذِي فِي الْبَيْتِ. "يَضُوحَ يَلْعَبُ بِرَبِّهِمْ وَيَوْمَئِذٍ هُمْ كَاذِبُونَ".

*Ибн Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Қубо масжидига уловда ҳам, пиёда ҳам келиб, унда икки ракъат намоз ўқир эдилар”** (Бухорий ривояти).

رَجَسَمَ يَتَأَيِّمَ لِمَسَوِّهِ لَعَلَّ يَصِيَّبُ نَلَاكَ لَأَقَامُ عُهُدَ لَلِإِيضَرِّ رَمْعَ نَبَأِ نَعِ  
أَبِكَ أَرَوَيْ شَامَتَبَسُّ لَكِ عَابُقِ

*Умар розияллоҳу анхумодан ривоят қилинади:*

**“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар шанба Қубо масжидига гоҳида уловда, гоҳида пиёда келиб турар эдилар”** (Бухорий ривояти).

هُدَا لَصَلَا: لَأَقَامَ لِمَسَوِّهِ لَعَلَّ يَصِيَّبُ نَلَاكَ لَأَقَامُ عُهُدَ لَلِإِيضَرِّ رَمْعَ نَبَأِ نَعِ  
يُتَأَيِّمُ نَلَاكَ أَوْ يَذْمُرُ لَأَقَامَ أَوْ رَمْعَ كِ عَابُقِ رَجَسَمَ يَفِ

*Усайд ибн Зухайр розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:*

**“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Қубо масжидидаги намоз(нинг савоби) худди умра кабидир”, дедилар”** (Термизий ривояти).

: مَسَوِّهِ لَعَلَّ يَصِيَّبُ نَلَاكَ لَأَقَامَ لِمَسَوِّهِ لَعَلَّ يَصِيَّبُ نَلَاكَ لَأَقَامَ عُهُدَ لَلِإِيضَرِّ رَمْعَ نَبَأِ نَعِ  
كَ لَذَنَّاكَ تَاعَ كَرَّ عَابُقِ رَمْعَ كِ عَابُقِ رَجَسَمَ يَفِ ، هُوَ وَضُؤُ نَسْحَافٍ أَضَوْتِ نَمِ  
رَمْعَ لَدَعِ

*Саҳл ибн Хуниф розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:*

**“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Ким яхшилаб таҳорат олиб, сўнг Қубо масжидига келса ва унда тўрт ракъат намоз ўқиса, шу у учун умранинг баробари бўлади” дедилар”** (Муъжами кабийр).

## **39. МАДИНАИ МУНАВВАРА ХУРМОЛАРИНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ**

لَأَقَامَ لِمَسَوِّهِ لَعَلَّ يَصِيَّبُ نَلَاكَ لَأَقَامَ لِمَسَوِّهِ لَعَلَّ يَصِيَّبُ نَلَاكَ لَأَقَامَ عُهُدَ لَلِإِيضَرِّ رَمْعَ نَبَأِ نَعِ  
يُتَأَيِّمُ نَلَاكَ أَوْ يَذْمُرُ لَأَقَامَ أَوْ رَمْعَ كِ عَابُقِ رَجَسَمَ يَفِ : «  
».

*Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**



**“Ким тонгда Лобатайх (Уҳуд ва Айр тғлари) орасидаги жойдан еттита хурмо еса, то кеч киргунича захар унга таъсир қилмайди” деганлар** (Имом Муслим ривояти).

#### **40. МАДИНАИ МУНАВВАРАНИНГ АЖВА ХУРМОСИНИНГ ФАЗИЛАТИ**

عَبْدُ اللَّهِ بْنُ مَسْعَدَةَ قَالَ سَأَلْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ ثَمَرِ الْخُرْمِ قَالَ خَيْرٌ لِي مِنْ ثَمَرِ الْوَجْهِ عَرَبِيٍّ أَوْ رَجُلِيٍّ يَبْأُ نَبِيٍّ دَعَسَ نَعْجُ السَّوْدِيِّ وَالْوَجْهِ مَلْءُ الْوَجْهِ عَرَبِيٍّ أَوْ رَجُلِيٍّ يَبْأُ نَبِيٍّ دَعَسَ نَعْجُ السَّوْدِيِّ

*Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анху айтадилар:*

“Бемор бўлдим. Бас, Набий соллаллоху алайҳи васаллам мени кўргани келдилар. У зот қўлларини икки кўкрагим орасига қўйдилар. Унинг совуғини қалбимда ҳис этдим. Сўнгра у зот:

“Сен юраги хаста одам экансан. Сақифлик Ҳорис ибн Калданинг олдига бор. У табиблик қиладиган одам. Бас, у Мадинанинг ажвасидан етти дона хурмо олиб, данаги билан туйсин. Сўнгра сенга ичирсин”, дедилар” (Имом Муслим ривояти).

**Фойда:** Ажва хурмо мислсиз таъмга эга бўлиши билан бир қаторда, захар ва сеҳр асарини ҳам кетказувчи хусусиятга эгадир. Шу билан бир қаторда ўтган ҳадисда Мадинаи мунавваранинг барча хурмолари фазилатли экани ҳақида сўз юритилди. Шунинг учун ҳожилар ўз юртларига қайтишда у ер хурмоларидан ўзлари билан олиб кетсалар, ҳамшаҳрлари ҳам Мадина хурмоларининг фазилатларидан баҳраманд бўладилар.